



## **Савол:**

Куфр диёрларида, ўқиш ёки ишлаш важхидан мусофир бўлиб юрган шахс халол бўлмаган таомни – яъни гўшти – халоли топилиши кийин бўлгани (тўғрироғи киймат бўлгани) сабабли, ба нияти шифо деб еса, шарияти Исломия нуктаи назаридан тўғри бўладими?

## **Жавоб:**

Минг марта ба нияти шифо дейилса ҳам харом халол бўлмайди. Сизлар халол гўшт киммат экан деяпсизлар, жума насихатларини ўқимаяпсизлар шекилли-а? ундан пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг овкатланишларини бир ўқинглар.

Харом гўшт очдан ўлиб колаётган одам учун агар у харом гўшtdан бошка егулик бирон нарса топа олмайган бўлса, ўлимдан сакланиб коладиган микдорда ейишлигига ислом рухсат берган, холос. Мусофир бўлсангизлар, сабр килинглар бир хафтада бир икки бор киммат бўлса ҳам гўшт енглар, бўлмаса емасангизлар зарар килмайди.

Жаннатга кириш осон эмас. Аллох такволарингизни зиёда килсин.